# Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

(Боши 1-бетда).

Сайловолди кампанияси даврида ҳокимият органларимизнинг ишини ва хўжаликни бошқаришни қандай қилиб яхшилаш ҳақида кўпгина қизиқарли фикрлар айтилди, амалий наказлар берилди. Советларнинг вазифаси бу фикр ва наказларни синчиклаб, зўр эътибор билан ўрганиб чиқишдан ва умумлаштиришдан, энг муҳими эса — ҳаётга, практикага тадбиқ этишдан иборат.

Ўртоқлар! Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллигига оз вақт қолди. Қаҳрамон совет халқи Ленин партияси раҳбарлигида гитлерчи галалар билан жуда шафқатсиз олишувда ўз социалистик Ватанини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолди, Европани озод қилди, жаҳон цивилизациясини фашизм вахшийлигидан омон сақлаб қолди. Бу жасорат асрлар бўйи сўнмайди!

Биз Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун ҳалок бўлган кишилар хотирасини муқаддас билиб ардоқлаймиз. Биз Улуғ Ватан уруши ветеранлари ҳақида, уларнинг сиҳат-саломатлиги, турмуш ва яшаш шароитлари тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишни ўзимизнинг олий бурчимиз деб ҳисоблаб келдик ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблаймиз.

Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан меҳнаткашларни ва аввало ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб моҳирона иш олиб бориш бениҳоя муҳимлигини яна бир бор таъкидлаш ўринлидир. Совет кишиларида Ватанга муҳаббат, социалистик ғалабаларни ҳимоя қилишга муттасил тайёрлик туйғусини шакллантириш — бутун идеология ишимизнинг доимий вазифасидир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, жангчиларимизни, ҳаммангизни эртанги байрам — Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти куни билан табриклайман, ўртоқлар! Қуролли Кучларимиз халқнинг тинч меҳнатини пишиқ-пухта қўриқлай олишлари учун, мамлакатнинг мудофаа қобилияти ҳамиша тегишли даражада бўлиши учун партия, давлат ҳамма ишни қилиб келдилар ва бундан буён ҳам қилаверадилар, бунга совет кишилари амин бўлаверсинлар.

Ўртоқлар!

Бизнинг зиммамизда, ҳозирги авлод зиммасида янги жаҳон ёнғинига йўл қўймаслик, Ер юзида ҳаётни сақлаб қолишдан иборат жуда юксак масъулият турибди.

Мураккаб халқаро вазият юксак даражада ҳушёрлик, қатъият, сабр-матонатни ва албатта, дунёдаги иқлимни соғломлаштириш соҳасида актив ҳаракат қилишни талаб этади.

Халқаро майдонда ленинча тинч-тотув яшаш принципини изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган социалистик давлатлар ҳамдўстлиги дунёда мавжуд эканлиги тинчлик ва халқаро хавфсизлик иши учун улуғ бахтдир. Биз бутун ўтган йиллар давомида социализм мамлакатларининг ҳамма соҳалардаги ўзаро алоқалари мустаҳкамланиб, кенгайиб бораверишн учун куч-ғайратларни аямадик.

Куч бирликда — ишчилар ҳаракатининг қадимий шиори мана шундай. Ҳозир бу шиор социализм қардош мамлакатларига тўла-тўкис тааллуқлидир.

Империалистларнинг социализмни иқтисодий жиҳатдан мадорсизлантириш йўлидаги режаларини биз биргаликда барбод этдик. Кейинги йилларда мамлакатларимиз социал-иқтисодий ривожланиш соҳасида янада олға силжиди ва энг муҳими—биз иқтисодий жиҳатдан ташқаридан бўладиган таъсирга янада бардошлироқ бўлиб қолаяпмиз. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг бултурги олий даражадаги кенгаши қарорлари, жумладан, шу мақсадга қаратилган эди. Ҳозир биз ҳаммамиз шу қарорларни амалга ошириш йўлида ишлаяпмиз. Социалистик иқтисодий интеграция жараёни тобора жадаллашиб, халқаро социалистик меҳнат тақсимоти чуқурлашиб бормоқда. Қардош мамлакатларнинг ҳар бири ва бутун социалистик ҳамдўстлик бундан манфаат кўрмоқда.

Биз биргаликда ҳаракат қилиб, АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг ҳарбий-стратегик тенгликни ўз фойдасига бузиш йўлидаги уринишларига йўл қўймадик. Келгусида ҳам шундай бўлаверади. Бизнинг қардошлик иттифоқимиз мустаҳкам. Тез орада Варшава Шартномасининг ўттиз йиллигини нишонлаймиз. Шартноманинг ҳамма қатнашчилари унинг амал қилиш муддатини узайтиришни ёқлаб, чиққанликларини сизларга маълум қила оламан. Империалистларнинг агрессив НАТО блоки ўз ишини давом эттираётган бир шароитда бизга яхши мувофиқлаштирилган аҳил, тинчликсевар ташқи сиёсат ва тинч меҳнат учун мустаҳкам қалқон аввалгидек керак.

Биз умуман жаҳон социалистик системасининг халқаро майдондаги роли ва таъсири оширилиши тарафдоримиз. Шу муносабат билан Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларни нормаллаштиришга катта аҳамият бераяпмиз. Бултур бу соҳада фойдали қадамлар қўйилди. Гарчи биз аввалгидек мавжуд бўлган жиддий сиёсий ихтилофларни кўриб турган бўлсак ҳам, иккала томоннинг куч-ғайратлари билан Хитой-Совет муносабатлари янада яхшилик сари ривожланади, деб умид қилгимиз келади.

Биз халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишида Ер юзидаги барча тинчликсевар кучлар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилаяпмиз. Бизнинг давримизда бу гап, жумладан, собиқ мустамлака ва ярим мустамлака дунёсидаги эркесвар, мустақил давлатлар билан ҳамкорлик қилишни билдиради. Халқларнинг ҳуқуқларини ва инсониятнинг тинч келажагини ҳимоя қилиш ҳақида гап борар экан, бу давлатлар — улуғ Ҳиндистондан кичик Бенингача, қўшни араб мамлакатларидан тортиб Марказий ва Жанубий Америкадаги олис республикаларгача — ҳаммаси бизнинг табиий ҳамкорларимиз ва маслакдошларимиздир. Биз улар билан дўстликни қадрлаймиз, бу дўстликни ривожлантириб, мустаҳкамлайверамиз.

Ўртоқлар! Империализм тиқиштирган қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, жаҳон ядро уруши хавфини тугатиш учун кураш — ҳозир ташқи сиёсатимизнинг ўзагидир, албатта.

Биз Қўшма Штатлар билан янги музокаралар арафасида турибмиз. Иккала томон космосда қуролланиш пойгасига йўл қўймаслик ва ердаги шундай пойгани тўхтатиш учун бу музокараларни бошлашларини билдирдилар. Шу мақсадда космик ва ядровий қуроллар масалаларини комплекс тарзда, ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш ва ҳал этиш ҳақида аҳдлашиб олдилар, бу эса ишнинг муваффақияти учун мутлақо зарурдир. Женева аҳдномасининг асосий моҳияти мана шундан иборат. Бўлғуси музокаралар муносабати билан бизнинг ниятларимиз қандайлигини яна бир бор жуда равшан қилиб айтиб ўтмоқчиман.

Биринчидан: **биз**, Қўшма Штатлардан, НАТО мамлакатларидан **бирон-бир бир ёқлама имтиёзлар олишга**, улардан ҳарбий устунликка эришишга **интилмаймиз.** Бизга бунинг кераги йўқ, чунки биз уларга хавф солишни, ўз хоҳиш-иродамизни уларга тиқиштиришни хоҳламаймиз, балки улар билан тинчликда яшашни, нормал, яхши муносабатларни давом эттиришни хоҳлаймиз.

Иккинчидан: **биз қуролланиш пойгасини давом эттиришни эмас, балки тўхтатишни** хоҳлаймиз. Айни шу боисдан ҳам СССР томонларнинг ядро аслаҳахоналарини кўпайтирмаслик, ракеталарни бундан буён жойлаштиришни тўхтатиш ва шу каби илк қадамлар тўғрисидаги масалани ўртага қўймоқда. Музокаралардан бунга зид мақсадлар йўлида —оммавий қирғин воситаларини янада кўпайтириш ва жойлаштиришни оқлаш, ниқоблаш учун фойдаланишни биз ахлоқсизлик ва ярокcиз иш деб, халқларни алдаш ва улар олдида жиноят қилиш деб ҳисоблаймиз.

Ниҳоят, учинчидан: **биз қурол-яроғларнинг тобора янги-янги турларини**, хоҳ космосда ёки ерда, хоҳ ҳужумкор ёки мудофаа воситаларини яратишни эмас, балки **ғамлаб қўйилган қуролларни ҳақиқатан ҳам қисқартиришни, ишнинг бошланиши учун бу қуролларнинг анчагина қисмини ҳақиқатан ҳам йўқ қилишни** хоҳлаймиз. Бизнинг бундан кузатган пировард мақсадимиз — Ер юзининг ҳамма жойида ядро қуролини батамом йўқ қилиб ташлашдан, ядро уруши хавфини батамом тугатишдан иборат.

Томонларнинг муҳокама қилинадиган масалаларга қарашларида ҳозир катта тафовутлар бор. Бу нарса ҳаммага равшан. Музокараларни аввал бошданоқ мағлубиятга маҳкум қилиб қўяётган умидсизлик тахминлари ҳам оз эмас. Аммо биз бу тахминларга қўшилмаймиз.

Аҳдномага эришиш мутлақо зарур ва тамомила мумкин. Бундай аҳднома керак, чунки акс ҳолда дунё қуролланиш пойгаси жарига тобора тезроқ тойиб бораверади, уруш хавфи кучаяверади. Аҳдномага бемалол эришиш мумкин, чунки бунинг учун вужудга келган кучлар мувозанатини бузишга интилмай, иккала томоннинг ҳуқуқларини ва хавфсизликка бўлган ҳаққоний манфаатларини ҳурмат қилишгина кифоя.

Биз Америка Қўшма Штатларининг раҳбарларини бўлажак музокараларга жиддий ва ҳалол ёндашишга чақирамиз. Уларни Совет Иттифоқидан ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги, биз билан музокараларни «зўравонлик позициясида туриб» ўтказиш йўлидаги беҳуда умидларидан воз кечишга чақирамиз. Совет Иттифоқининг мудофаасини мустаҳкамлашда унинг қўлини бир ёқлама боғлаб қўядиган, аммо Вашингтон белгилаган рекорд миқёсдаги ҳарбий программалар амалга оширилиши учун эшикни кенг очиб қўядиган битимни бизга тиқиштириш йўлидаги уринишлардан қайтишга чақирамиз.

Бундай уринишлар мутлақо истиқболсиздир. Аммо шу уринишлар битимга эришиш имкониятига путур етказиши мумкин. Ҳолбуки, мамлакатларимизнинг халқлари битимга эришилишини кутмоқдалар. Мустаҳкам тинчликни ва осойишта, бахтиёр ҳаёт кечиришни хоҳловчи барча халқлар шуни кутмоқдалар.

Ўртоқлар! Ғалабадан кейинги қирқинчи йил ҳаммамизни уруш йилларида бошдан кечирилган азоб-уқубатларга ва урушдан кейинги воқеаларга ҳамда жаҳон олдида ҳозир очилаётган истиқболларга яна бир бор назар ташлашга ундайди.

Фашизм устидан Ғалаба қозонган коалициядаги мамлакатлар турли ижтимоий системаларга мансуб эди. Аммо улар иттифоқчилар бўлган эдилар. Уларнинг раҳбарлари урушдан кейинги тузилиш асосларини биргаликда белгилашга муваффақ бўлган эдилар. Бу асослар Теҳрон, Ялта, Потсдам ҳужжатларида акс эттирилган. Бу ҳужжатларнинг: инсониятнинг олий муддаоси—мустаҳкам тинчлик муддаосини рўёбга чиқаришдан иборат бош моҳияти ҳозир ҳам актуалдир. Бунга эришиш йўли — нацизмни енгишга, халқларни гитлерчилар асоратидан халос қилишга имкон берган мақсад ва ҳаракатлар бирлигини сақлаб қолишдан иборат эканлиги ҳам кўрсатиб берилган эди.

Уруш бўлганлиги учун, гитлеризм ялпи хавф эканлиги англаб олинганлиги учунгина шундай бўлган эди, дейишлари мумкин.

Тўғри, аммо бизнинг давримизда ҳам инсониятнинг, барча халқларнинг умумий ашаддий душмани бор, бу душман жаҳон ядро уруши хавфидир.

Ўтган ўн йиллик воқеаларини эсга олайлик. Шарқ ва Ғарб давлатларининг раҳбарлари ўз ўрталаридаги жиддий ихтилофларга қарамай, зарур даражада қатъият ва замон талабларини тушуниш нишонларини кўрсата олган эдилар. Улар мустаҳкам тинчлик йўлида катта қадам қўйган эдилар. Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг қалин тўқимаси вужудга кела бошлаган, биргаликдаги куч-ғайратлар билан ўзаро тинч муносабатларнинг узоқ муддатли принциплари ишлаб чиқилган эди.

СССР билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабат асосларини тасдиқлаган ҳужжатда, улар ўртасида ядро урушининг олдини олиш тўғрисидаги битимда биз мана шу принципларни кўриб турибмиз. Бу принциплар социалистик мамлакатлар билан ГФР ўртасида тузилган ва Европада урушдан кейинги реалликларни мустаҳкамлаб берган шартномаларда ўз ифодасини топди. Ниҳоят, бу принциплар Хельсинкидаги умумевропа кенгашининг Якунловчи актида коллектив равишда тасдиқланди ва ривожлантирилди.

Ҳозир тарих инсониятнинг келажаги тўғрисидаги масалани тағин ҳам ўткирроқ қилиб қўймоқда. Давлат раҳбарлари мардлик ва донишмандлик кўрсатишлари тағин ҳам зарур бўлиб турибди.

Ядро қуролига эга бўлган давлатлар ўртасида бир-бири билан муносабатларда ядро уруши чиқишига йўл қўймайдиган муайян нормаларга риоя этиш мажбуриятини зиммага юклайдиган аҳдномага эришиш нақадар зўр аҳамиятга эга бўлиши ҳақида илгари гапирган эдим. Бизнинг бу таклифимиз ўз кучида қолмоқда.

СССР ва АҚШ раҳбарлари энг даҳшатли ва энг кўп вайронгарчилик келтирган уруш тамом бўлганлигининг қирқ йиллигини нишонлаб, иккала мамлакат урушнинг охирида ҳам, 70-йиллардаги битимларда ҳам ўз зиммаларига олган энг асосий мажбуриятларнинг моҳияти ва руҳини иккала томон учун қулай тарзда биргаликда тасдиқлашлари мумкин бўлур эди, деб ҳам ўйлайман. Улар ўзларининг ташқи сиёсатида бундан буён ҳам шу мажбуриятлар руҳида иш кўраверишн ниятида эканликларини билдира олган бўлур эдилар. Бундай қилиш ўзаро ишончни мустаҳкамлашга дунёдаги вазиятни умуман соғломлаштиришга ёрдам берган бўлур эди, албатта. Биргаликда қилинадиган шундай ишни барча тинчликсевар давлатлар, ҳамма халқлар қўллаб-қувватлашларига аминман.

Ўртоқлар! Халқ депутатлари Советларига сайлов—ҳамиша мамлакатимиз ҳаётидаги тантанали воқеадир. Бу чиндан ҳам тантана — социалистик демократиянинг давлатни бошқаришда миллион-миллион меҳнаткашларнинг реал тарзда, кенг, манфаатдорлик билан қатнашишини амалда таъминлайдиган демократиянинг тантанасидир.

Сайловолди кампанияси омманинг ошиб бораётган онглилигини, ғайрат- шижоатини ва ижтимоий активлигини яққол кўрсатди. Бу эса, Ленин неча марталаб таъкидлаганидек, тузумимиз куч-қудратининг битмас-туганмас манбаидир.

Индинга совет гражданлари ўн бешта иттифоқдош республиканинг ҳамма сайлов участкаларига келадилар. Улар коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз бериш орқали ўзларининг тинчликка бўлган иродаларини, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашга, Улуғ Ватанимизнинг ҳар бир бурчагида янада самаралироқ ўзгаришлар қилиш учун янги ғайрат билан курашишга тайёр эканликларини изҳор этадилар.

Ишончингиз учун сизларга яна бир бор чин кўнгилдан ташаккур айтишга ижозат бергайсизлар. Биз, коммунистлар учун жонажон мамлакатга, жонажон халққа садоқат билан хизмат қилишдан ҳам олий муддао ва бундан ҳам олий бахт йўқ.

Азиз ўртоқлар, сизларга сиҳат-саломатлик, эсон-омонлик, меҳнатда, ҳамма ишларингизда катта- катта муваффақиятлар тилайман!

**(Нутқ зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди).**

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

(Боши 1-бетда)

хилларини кўпайтириш юзасидан СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан тадбирларни маъқуллади. Бу тадбирлар халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва маиший хизматни ривожлантириш комплекс программасининг таркибий қисми бўлиб қолади. Пойабзал саноатининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, 123 та завод ҳамда фабрикани реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш ва барпо этиш кўзда тутилган. Пойабзал саноати ҳамда турдош саноат тармоқларининг ходимлари учун уй-жойлар ва социал объектлар қуриш программаси белгиланган, бу эса кадрларнинг муқим ўрнашиб қолишига кўмаклашади.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси мамлакатнинг катта шаҳарларида метрополитен янги линияларини келгусида барпо этиш планини муҳокама қилди. Метро қурилиши мўлжалланаётган шаҳарларни ривожлантириш ва уни қуриш хусусиятларини ҳисобга олиб, шаҳар аҳолисини транспорт билан таъминлашнинг конкрет шарт-шароитлари кўриб чиқилди, бунинг учун зарур капитал маблағ ажратилмоқда.

Сиёсий бюро ўртоқ Н. А. Тихоновнинг 11—14 февраль кунлари расмий визит билан Совет Иттифоқида бўлган Греция Республикаси Бош министри Андреас Папандреу билан ўтказган музокараларининг якунларини, шунингдек ўртоқ А. А. Громиконинг Греция Республикаси Бош министри А. Папандреу ва ташқи ишлар министри И. Хараламбопулос билан қилган суҳбатларининг якунларини кўриб чиқиб, маъқуллади. Бош министр А. Папандреунинг визити Совет-Греция муносабатларига хос бўлган дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат муҳитида ўтганлиги мамнуният билан қайд этилди. Иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш масалалари ҳамда муҳим халқаро проблемалар юзасидан батафсил ва конструктив фикрлашиб олинди.

Фикрлашувлар тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун, ядро урушининг олдини олиш учун курашнинг энг муҳим масалалари юзасидан иккала мамлакатнинг позициялари бир-бирига мос ёки яқин эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Визит чоғида маслаҳатлашувлар тўғрисида имзоланган протокол ва икки томонлама ҳамкорликка оид бошқа масалалар юзасидан тузилган битимлар СССР билан Греция ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшилган янги ҳисса бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси А. А. Громиконинг дўстлик визити билан СССРда бўлган Чехословакия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри Б. Хнеупек ва Куба Республикаси ташқи ишлар министри И. Мальмиерка билан олиб борган музокараларининг якунлари тўғрисидаги ахборотини тинглади ва маъқуллади. Музокаралар чоғида томонлар тинчлик ва халқаро хавфсизлик ишини изчиллик билан ҳимоя қилаётган социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслигини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга азму қарор берганлиги таъкидланди.

А. А. Громиконинг АҚШ сиёсий арбоблари сенаторлар Г. Харт ва Ч. Метайес билан учрашуви ҳамда суҳбатлари тўғрисидаги ахбороти маъқулланди. Шу муносабат билан мажлисда Совет раҳбарлари СССР ва АҚШ ўртасидаги муносабатларда яхшилик сари ўзгариш қилинишини, тенглик, аралашмаслик ҳамда бир-бирларининг қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш асосида шу муносабатларга бир текис, барқарор тус берилишини ёқлаб чиқаётганликлари қайд этиб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси Франция Компартиясининг XXV съезди ишида қатнашган М. С. Соломенцев бошчилигидаги КПСС делегациясининг фаолиятини маъқуллади.

Сиёсий бюро мажлисида ички ва халқаро ҳаётга оид бошқа бир қанча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.



БИЗ ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИМИЗ!

## В. И. ЛЕНИННИНГ ТАНЛАНГАН АСАРЛАРИ

В. И. Лениннинг ўн томли танланган асарлари учинчи томи босмадан чиқди. Бу томга 1901 йил май ойидан 1904 йил май ойигача ёзилган асарлар киритилган.

Мазкур асарлар революцион социал-демократларни жипслаштириш ва Россияда яқинлашиб қолган буржуа-демократик революцияси шароитида озодлик ҳаракатига раҳбарлик юзасидан йўлбошчининг фаолиятини акс эттиради. Том 1901 йилнинг май ойида ёзилган «Нимадан бошламоқ керак?» мақоласи билан бошланади. Бу мақолада В. И. Ленин Россияда Марксистик партия ташкил этиш конкрет планини баён этади. Шу мақоланинг асосий қоидалари 1902 йилнинг март ойида чиққан «Нима қилмоқ керак? Ҳаракатимизнинг ечилиши зарур бўлган масалалари» китобида батафсил ривожлантирилган эди.

Томдаги материаллар В. И. Лениннинг партиямиз биринчи программасини ишлаб чиқиш борасида 90-йиллардаёқ бошланган фаолиятини акс эттиради. РСДРП II съезди билан боғлиқ ҳужжатлар муҳим ўринни олади. Учинчи томга киритилган асарлар битмас-туганмас умидбахшлик ва яқинлашиб келаётган революциянинг қудратли кучига қатъий ишонч руҳи билан суғорилган.

Китобни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти тайёрлаган ва сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарган.

(ТАСС).

## СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1985 йил 23 февраль. № 42 Москва шаҳри

**Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!**

**Прапоршчик ва мичман ўртоқлар!**

**Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!**

**Совет Қуролли Кучларининг ветеранлари, ўртоқлар!**

**Бугун совет халқи Совет Армияси билан Ҳарбий Денгиз Флотининг 67 йиллигини тантанали равишда нишонламоқда.**

**В. И. Ленин тузган, Коммунистик партия тарбиялаб вояга етказган СССР Қуролли Кучлари шонли жанговар йўлни босиб ўтдилар. Улар Граждан урушининг шиддатли жангларида Октябрнинг революцион ғалабаларини ҳимоя қилиб қолдилар. Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар, гитлерчилар Германияси ва милитаристлар Японияси устидан қозонилган ғалабага, Европа халқларини фашизм қуллигидан ҳалос қилишга ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар, ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчларини шараф билан бажардилар.**

**Совет Армияси билан Ҳарбий Денгиз Флоти куни ҳозир ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг, СССР Қуролли Кучлари жангчиларининг КПСС XXVII съездига, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик туфайли юзага келган юксак сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати вазиятида нишонланмоқда. 1985 йил топшириқларини ва умуман беш йилликни муваффақиятли бажариш йўлидаги социалистик мусобақа кенгайтиб бормоқда, меҳнаткашлар ўз куч-ғайратларини экономикани янада юксалтиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқаришни интенсивлашга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, моддий ресурсларни тежаб-тергаб ва оқилона ишлатишга сарфламоқдалар. Халқнинг турмуш даражаси ва маданияти муттасил ошмоқда.**

**Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдаги қардош мамлакатлар ядро уруши хавфини тугатишга, қуролланиш пойгасини тўхтатишга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик билан ўтказмоқдалар. АҚШ агрессив империалист кучларининг ва унинг НАТО-даги иттифоқчиларининг айби билан дунёдаги вазият кескин бўлиб турибди. Мана шундай шароитда КПСС Марказий Комитети билан совет ҳукумати мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, қуролли кучларнинг жанговар шайлигини ошириш, совет кишиларини юксак ҳушёрлик руҳида тарбиялаш юзасидан зарур чораларни кўрмоқдалар.**

**КПСС ленинчи Марказий Комитети, унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги Сиёсий бюроси теварагида маҳкам жипслашган армия ва флот жангчилари жанговар маҳоратни тинимсиз такомиллаштирмоқдалар, Ватанимизнинг муқаддас чегараларини сергак туриб қўриқламоқдалар. Улар Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг жангчилари билан ягона жанговар сафда туриб социализм ғалабаларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ўз бурчларини муносиб бажармоқдалар.**

**Армия ва флот жангчилари, ўртоқлар!**

**Қуролли Кучларнинг ветеранлари, ўртоқлар!**

**Сизларни умумхалқ байрами — Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти куни билан табриклайман!**

**Қуролли Кучларнинг бутун шахсий составига жанговар ва сиёсий тайёргарликда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман!**

**Совет Армияси билан Ҳарбий Денгиз Флотининг 67 йиллигини нишонлаш юзасидан БУЮРАМАН:**

**1985 йил 23 февраль маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти — қаҳрамон шаҳар Москвада, Иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тулада, қаҳрамон қалъа Брестда, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида байрам мушакбозлиги ўтказилсин.**

**Яшасин Совет Армияси билан Ҳарбий Денгиз Флотининг 67 йиллиги!**

**Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!**

**Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!**

**СССР МУДОФАА МИНИСТРИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ**

**С. СОКОЛОВ.**

## ХАЛҚ БИЛАН АРМИЯ ЯКДИЛ

Ватанимиз жанубий чегараларининг ҳимоячилари Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти куни — умумхалқ байрамини жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг ҳамма қисмлари ва бўлинмаларида КПСС XXVII съездини, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа қизитиб юборилди. 22 февраль куни ССР Иттифоқи Қуролли Кучларининг 67 йиллигига бағишлаб, Тошкентда ўтказилган тантанали йиғилишда ана шулар таъкидланди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Н. И. Попов доклад қилди.

Жангчилар Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари билан биргаликда жонажон Коммунистик партия ўртага қўйган вазифаларни бажариш йўлида куч-ғайратларини ошираётганликлари, Ер юзида тинчлик таянчи — севикли ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлаётганликлари айтиб ўтилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов ўртоқлар қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

